

Elim deb, yurtim deb yonib yashash kerak!

# Turkiston

1925-yildan chiqqan boshlagan

«Kamolot» yoshlar ijtimoiy harakati Markaziy Kengashining nashri

www.turkiston.uz

2014-yil 23-avgust, shanba № 66 (15808)



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## ТЕРМИЗ ШАҲРИНИ «АМИР ТЕМУР» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мустақиллик йилларида шаҳар аҳлининг ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳаларда эришган муваффақиятлари, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, миллатларaro дўстлик ва ҳамжиҳатлик муносабатларини ривожлантиришга қўшган муносиб ҳиссаси, халқимизнинг тарихий ва маънавий меросини асраб-

авайлаш, ёшларимизни улуг аждодларимизга хос эзгу қадриятлар, мардлик ва жасорат, Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасидаги катта хизматлари учун ҳамда Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 23 йиллиги муносабати билан Термиз шаҳри «Амир Темури» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 22 август

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## «ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ» УНВОНИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш соҳасидаги узоқ йиллик фидокорона меҳнати

ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқига садоқат руҳида тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:



**Базаров Абдимурат** — Қамаш туманидаги «Бозор ўғли Абди» фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 22 август



**Маматкулов Шукуржон** — Олтинқул иқтисодиёт коллежи директори, Андижон вилояти



**Низамходжаев Зайниддин Махаматович** — Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази бўлим мудир

И.КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САНЪАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, миллий ғояни ривожлантириш, маънавиятимизни тиклаш, ўзликимизни англаш йўлида катта ҳисса қўшган, ёрқин истеъдоди ва ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати, ёшларни она юртга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагилар фахрий унвонлар ва орденлар билан тақдирлансин:

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ АРТИСТИ»

**Султонов Нормўмин Намозович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера солисти

**Ўтбосаров Абдумўмин Абдума-**

**житович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали диктори

**Холиқова Муқаддас Шомақсудовна** — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ БАХШИСИ»

**Чоршанбиев Очил Элмуродович** — Қашқадарё вилояти Фузор туманидаги 46-умумий ўрта таълим мактаби мусиқа фани ўқитувчиси (бахши)

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ УСТАСИ»

**Мадалиев Масуджон Махмудович** — «Устазода» халқ санъати уста-

лари корхонаси қандакор устаси

**Муротов Ҳабибиддин Тожидинович** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганчкор уста

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЎҚИТУВЧИСИ»

**Каримов Бахтиёр Рауфович** — Тошкент шаҳар Чилонзор туманидаги 90-умумий ўрта таълим мактабининг информатика фани ўқитувчиси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ҲОФИЗИ»

**Иброҳимов Илҳом Абдуллаевич** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмасининг Фарғона вилояти бўлими хонандаси

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ»

**Абдуқодирова Шодия Дилшодовна** — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

**Атабаев Алишер Исроилович** — Ўзбекистон Киноарбоблар бирлашмаси аъзоси, актёр

**Аҳмедов Элмурод Ғанишиерович** — Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмаси «Мақом» ансамбли хонандаси

**Аширалиев Фурқатбек Даврон ўғли** — Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмаси «Мақом» ансамбли хонандаси

**Бекчанов Александр Сатимович** — Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театри вокал артисти

(Давоми 2-саҳифада)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САЊАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми, аввали  
1-саҳифада)

**Фуломова Муҳаббат Юсуфова** — «Истиқлол» санъат саройи қошидаги «Тошкент зеболари» рақс ансамбли раққосаси

**Мигнарев Абдухалил Абдуллаевич** — «Ўзбекфильм» киностудияси актёри

**Пиязов Женисбек Буркитович** — Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқали театр-студияси опера хонандаси

**Раҳимова Дилноза Ҳакимовна** — Самарқанд вилояти мусиқали драма театри актёри

**Турдиева Юлдуз Чориевна** — Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги қошидаги ашула ва рақс ансамбли хонандаси

**Ҳайдарова Зарифа Баҳромовна** — Андижон вилояти мусиқали драма ва комедия театри актёри

**«ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИДА  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН  
ЁШЛАР МУРАББИЙИ»**

**Маврулов Абдухалил Абдуллаевич** — Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори

**Тўйчиева Зумрат** — Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи бўлим бошлиғи

**Умунов Ҳотам Икромович** — Самарқанд давлат университети профессори, адабиётшунос

**Ҳасанова Любовь Тихоновна** — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқув ва илмий ишлар бўйича проректори

**Хусанов Абдумутал Холмўминович** — Жиззах вилояти Дўстлик туманидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг енгил атлетика бўйича мураббийи

**Кувватова Раҳимахон Собиржоновна** — Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 1-умумий ўрта таълим мактаби директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари

**«ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИДА  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН  
ЖУРНАЛИСТ»**

**Абдурахимов Карим Бурхонович** — «Правда Востока» газетасининг Бухоро вилояти бўйича мухбири

**Латипов Чори Тошмуродович** — «Қишлоқ ҳаёти» газетаси бош муҳаррири

**Ўрмонова Саодат Убаевна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали «Маданий-маърифий ва бадий дам олиш дастурлар» муҳарририят катта муҳаррири

**«ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИДА  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН  
МАДАНИЯТ ХОДИМИ»**

**Аяпов Шарапатдин** — Нукус давлат педагогика институти академик лицейи ва касб-хунар коллежлари билан ишлаш бўлими бошлиғи, шоир

**Башарова Феруза Қутлуқовна** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бош таҳририят бўлим мудири

**Ғиёсова Гулчехра Қўчқоровна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбекистон» телерадиоканали режиссёри

**Жумаев Абдуғани Жалилович** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, фотограф

**Мелиев Сувонкул** — ЎзФА Тил ва адабиёт институти катта илмий ходими, адабиётшунос

**Султонов Исажон Абдураимович** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, ёзувчи

**Тюрин Александр Иванович** — Камолитдин Бехзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти ўқитувчиси

**Ҳакимова Ровза Мирсалиевна** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбектелефильм» студияси овоз режиссёри

**«ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИДА  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН  
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ  
ХОДИМИ»**

**Мурмусаева Гулнора Қўчқоровна** — Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий амалий тиббиёт маркази референс лабораторияси мудири

**Омонов Шавкат Эргашевич** — Тошкент педиатрия тиббиёт институти кафедра мудири

**Тошпўлатов Абдувоҳид Ғаниевич** — Республика ихтисослашган суяк хасталиклари ва жароҳат оқибатларини даволаш илмий маркази директори

**Узақбаева Замира Зарлиқбаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай

тумани тиббиёт бирлашмаси педиатри

**«ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИДА  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН  
СПОРТ УСТОЗИ»**

**Собиров Фарҳод Шавкатович** — Спорт ўйинлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг шахмат бўйича катта мураббийи

**Турғунов Ойбек Аширович** — Андижон олимпия захиралари коллежи оғир атлетика бўлими мураббийи

**«ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИДА  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН  
СПОРТЧИ»**

**Мамазулов Ойбек Каримшер ўғли** — Бокс бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Мочалов Алексей Юрьевич** — Байдарка ва каноэда эшак эшиш бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**«ЎЗБЕКИСТОН  
РЕСПУБЛИКАСИДА  
ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ХАЛҚ  
ТАЪЛИМИ ХОДИМИ»**

**Аҳмадалиева Муқаддасхон Обидовна** — Фарғона вилояти Бувайда туманидаги 21-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

**Бобоева Нигора Амиркуловна** — Самарқанд вилояти Нарпай туманидаги 64-умумий ўрта таълим мактабининг кимё фани ўқитувчиси

**«БУЮК ХИЗМАТЛАРИ  
УЧУН» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Қаюмов Азизхон** — ЎзФА академиги, адабиётшунос

**«ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ»  
ОРДЕНИ БИЛАН**

**Аҳмедов Муҳаммад Али** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси

**Ғафурбеков Тўхтасин Ботирович** — Ўзбекистон давлат консерваторияси мусиқа тарихи ва танқид кафедраси профессори, композитор

**Назарбеков Озодбек Аҳмадович** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

**Умаров Саидкомил Ҳамраевич** — Ўзбек миллий академик драма театри актёри

**«ФИДОКОРОНА  
ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»  
ОРДЕНИ БИЛАН**

**Арипова Шоҳида Раҳма-**

**товна** — Сурхондарё вилояти Термиз шаҳар 4-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати директори

**Атамуратов Елмурат Турсимуратович** — Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой тумани «Кенес» қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежи директори

**Мирзаалиев Иқболжон Мирзакаримович (Иқбол Мирзо)** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари

**Наубетов Даулетяр Дауишбаевич** — Республика шошинч тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиали травматология бўлими мудири

**Раҳимов Акбар Муҳитович** — Ўзбекистон Бадий академияси академиги, кулол

**Холиқова Зулхумор Абдувоҳидовна** — Сирдарё вилояти Сирдарё туманидаги 13-умумий ўрта таълим мактаби директори

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ»  
ОРДЕНИ БИЛАН**

**Аваков Вячеслав Ервандович** — Тошкент тиббиёт академияси «Анестезиология ва реаниматология» кафедраси профессори

**Авезова Нилуфар Рабба-накуловна** — ЎзФА Физикатехника институти етакчи илмий ходими

**Бекчанов Нурулла** — Хоразм вилояти Боғот тумани тиббиёт бирлашмасининг шошинч тиббий ёрдам бўлими мудири

**Ғойипов Норматжон Нишонбоевич** — «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи етакчи муҳаррири

**Зайтаев Муҳаммаджон** — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи директорининг биринчи ўринбосари

**Миршина Ольга Павловна** — Республика давлат санитария-эпидемиология назорат маркази коммунал гигиена бўлими мудири

**Муҳамедов Шавкат** — Ўзбекистон бадий жамоалари ижодий бирлашмаси созандаси

**Раҳимова Раъно Сафаровна** — Республика Маънавият тарғибот марказининг Жондор тумани бўлими раҳбари

**Султонова Ўғилой Набиевна** — Сурхондарё вилояти Ангор туманидаги 3-ихтисослашган умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

**Юсупов Фуломзакир Есе-нович** — «Нурлы жол» газета-

си бош муҳаррири

**Юсупов Зияутдин Миркадирович** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, ганч ўймакор уста

**Ёқубов Бахтиёр Раҳимович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри директори

**Курунов Муҳаммад** — Республика миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари вази фасини бажарувчи

**Ҳалимов Жамол Намозович** — Бухоро вилояти Шофиркон маиший хизмат ва миллий хунармандчилик касб-хунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

*Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:*

**II ДАРАЖАЛИ  
«СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН»  
ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдуллаев Мурод Бобо-жонович** — Бухоро вилояти Олот тумани тиббиёт бирлашмаси реанимация бўлими болалар реаниматолог

**Бозорова Турсун Наврўзовна** — Навоий вилояти перинатал марказининг чақалоқлар бўлими ҳамшираси

**Бортникова Оксана Ивановна** — Тошкент шаҳар Олмазор туманидаги 23-сонли ихтисослаштирилган олимпия захиралари спорт мактабининг синхрон сузиш бўйича мураббийи

**Каримов Равшан Раҳимович** — Бухоро шаҳридаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг миллий кураш бўйича мураббийи

**Наипова Дилдора Турсуналиевна** — «Булбулча» болалар ашула ва рақс ансамбли хормейстери

**Шералиева Саёҳат** — Фарғона шаҳар болалар уйи ҳамшираси

**«ДЎСТЛИК»  
ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдимов Жигербай** — Қорақалпоқ давлат ёш томошабинлар театри актёри

**Абдувоҳидов Мубаширхон** — Наманган муҳандислик-технология институти «Технологик машина ва жиҳозлар» кафедраси доценти

(Давоми 3-саҳифада)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА УЧ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ФАН, ТАЪЛИМ, СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ, АДАБИЁТ, МАДАНИЯТ, САЊАТ, МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ, ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ҲАМДА ИЖТИМОЙ СОҲАЛАР ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми, аввали  
1-, 2-саҳифаларда)

**Азизов Эркин Турсунович** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси Наманган вилояти бўлими аъзоси, рангтавирчи рассом

**Болтаев Ботир** — Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси Хоразм вилояти бўлими аъзоси, реставратор

**Данилова Наталья Адамовна** — Республика кўғирчоқ театри актёри

**Дурдиев Бармат** — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ижодий бирлашмалар ва халқ ижодиётини ривожлантириш бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Исоқова Бўтакўз Камолдиновна** — Андижон вилояти Булоқбоши туманидаги 30-умумий ўрта таълим мактабининг бошланғич синф ўқитувчиси

**Маҳмудова Саида Саидкромовна** — Спорт ўйинлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг стол тенниси бўйича мураббийи

**Муҳаммедалиев Хайдар (Хайдар Муҳаммад)** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, драматург

**Пак Виктор Николаевич** — Ўзбекистон корейс маданий маркази раиси

**Расулов Ботиржон Қосимович** — Тошкент давлат музыкали комедия (оперетта) театри бош дирижёри

**Роговая Татьяна Петровна** — Гимнастика бўйича Республика олий спорт маҳорати мактабининг бадий гимнастика бўйича мураббийи

**Седухин Сергей Михайлович** — «Дийдор» театр-студияси рассоми

**Суннатов Одил** — Самарқанд вилояти Каттақўрғон шаҳар 2-болалар музыка ва санъат мактаби директори

**Сугано Рейко** — Тошкент давлат шарқшунослик институтининг «Япон филологияси» кафедраси катта ўқитувчиси

**Тожибоева Назира Отановна** — Қашқадарё вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг жарроҳлик бўлими мудири

**Усмонова Зухро Ўқтамовна** — Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги – ЎзАнинг Таржима таҳририяти бош муҳаррири ўринбосари

**Шомуродов Тоғаймурод** — Самарқанд вилояти «Зарафшон» газетаси муҳбири

**Эргашев Баҳодир Ҳожикурбанович** — «Фуқаролик жамияти-Гражданское общество-Civil society» журнали бош муҳаррири

**Эргашев Раҳим Ражабович** — Бухоро вилояти мусикали драма театри актёри

**Эргашова Мухтасархон Йўлдошевна** — Андижон вилояти Балиқчи тумани «Аълам» қишлоқ врачлик пункти мудири

**Юнусов Дамир Идрисович** — «Ўзбекдавлатцирки» республика бирлашмаси артисти

**Қдирниязова Кансаят Оразовна** — Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманидаги 3-умумий ўрта таълим мактабининг инглиз тили фани ўқитувчиси

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:*

«ШУҲРАТ»  
МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуллаев Икромиддин Нумонович** — Фарғона вилояти Бувайда туман «Мақомчилар» халқ ансамбли мусиқа раҳбари

**Абдуллаев Мамасоат Ганиевич** — Жиззах санъат коллежи бўлим бошлиғи

**Абдуллаева Малика Мирзажоновна** — Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани «Дўстлик» қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси

**Абдураимова Нигина Жасур қизи** — Теннис бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Абидова Зулфия Дилшодовна** — Тошкент шаҳар Юнусобод туманидаги 51-оилавий поликлиника офтальмологи

**Адилова Саида Арзиевна** — Жиззах шаҳар тиббиёт бирлашмаси 7-сон поликлиника ҳамшираси

**Аминова Зиёда Аслоновна** — Қашқадарё вилояти телерадиокомпанияси телевидение гуруҳи катта муҳаррири

**Аскарлов Маҳмадали Раҳбарович** — Тошкент ҳайвонот боғи бўлим мудири

**Бобобекова Юлдуз** — Тошкент вилояти Юқоричиқ туманидаги 33-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

**Бобохонова Зебо Абдуллаевна** — Тошкент кимё-технология институти «Силикат материаллар ва нодир, камёб металллар технологияси» кафедраси доценти

**Боймуродов Ашуркул** —

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**Вайсова Гулчехра Аҳмедовна** — Тошкент ахборот технологиялари университетининг Урганч филиали қошидаги 1-сон академик лицейининг инглиз тили фани ўқитувчиси

**Давлатов Қозоқжон Кўзиевич** — Республика Маънавият тарғибот марказининг Қорақўл тумани бўлими тарғиботчиси

**Давлатов Эркинжон Худойназарович** — Навоий вилояти Зарафшон саноат касб-хунар коллежининг ишлаб чиқариш таълими устаси

**Дадаматов Абдукарим Усмонович** — «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйи босма цехи чоп этувчиси

**Жалилов Ботир Қосимович** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси қирқув дастгоҳлари машинисти

**Дусанова Надия Юсуповна** — Енгил атлетика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Ибрагимов Шавкат Худайназарович** — Хоразм вилояти телерадиокомпанияси режиссёри

**Имомов Иқболжон Мухтарович** — Ўзбекистон миллий симфоник оркестри созандаси

**Иргашева Дурдона Ёкубоновна** — Тошкент ахборот технологиялари университети ахборот хавфсизлиги кафедраси мудири

**Каримов Мирвосит Мирвосиқович** — Республика ихтисослаштирилган терапия ва тиббий реабилитация илмий-амалий маркази бўлим мудири

**Куприянова Наталья Георгиевна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри хормейстери

**Мирзааҳмедов Султонмурод Тўхтамуродович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ўзбектеlevision» студияси постановкачи-оператори

**Мирсаидова Муқаддас Олимхўжаевна** — Қашқадарё вилояти Қарши тумани тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пункти мудири

**Муқумова Розия Жўраевна** — Сирдарё вилояти кўзи ожизлар махсус ахборот-ресурс марказининг бўлим мудири

**Муталов Дилшод Азизович** — Ўзбек давлат академик халқ чолғулари оркестри бадий раҳбари — бош дирижёри

**Намуратов Эшбек Кун-**

**гирович** — Самарқанд вилояти Булунғур туманидаги «Чавқи» фольклор-этнографик халқ ансамбли бадий раҳбари

**Носирова Муяссар Азизовна** — Фарғона вилояти перинатал маркази бўлим мудири

**Нигманова Махфуза Муҳиддиновна** — «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи муқовалаш цехи буклов машинаси машинисти

**Нишоннов Хусан Маҳрайимович** — «Маърифат» газетаси бош муҳаррири ўринбосари

**Нуралиева Гулноза Саъдуллаевна** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази 1-шошилинч педиатрия бўлими мудири

**Нуриддинова Жамилахон Икромовна** — Фарғона вилояти Кува туманидаги 19-умумий ўрта таълим мактабининг математика фани ўқитувчиси

**Обрўева Гулчехра Ҳамроқулловна** — Самарқанд давлат чет тиллар институти инглиз тили фонетикаси кафедраси мудири

**Ортиқов Шавкатжон Зокиржонович** — «Халқ сўзи» газетаси бўлим муҳаррири

**Парпиев Алишер Ҳожимуродович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Ёшлар» телерадиоканали режиссёри

**Ражабов Ислон Аъзамович** — Қарши санъат коллежи ўқитувчиси

**Ражапов Бахтиёр Бобомуродович** — Қашқадарё вилояти Касби туманидаги 12-умумий ўрта таълим мактабининг физика фани ўқитувчиси

**Расулов Абдуҳамидулла Эркинович** — Ўзбекистон футбол федерациясининг халқаро тоифадаги ҳаками, ФИФА рефереси

**Раҳимов Миршоҳид Собитович** — Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «Спорт» телеканали бош мутахассиси

**Раҳматова Жамила Адизовна** — Бадий гимнастика бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси

**Раҳмонова Насибaxon Турсуновна** — Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани «Хуррият» қишлоқ врачлик пункти мудири

**Рузметова Оксана Азатовна** — Хоразм вилояти Хива туманидаги 20-сонли

«Меҳрибонлик уйи» тарбиячиси

**Содиқов Илхом Исмоилович** — ЎзФА Ядро физикаси институти лаборатория мудири

**Сасмаков Собиржон Анарматович** — ЎзФА Ўсимлик модалари кимёси институти катта илмий ходими

**Сатторов Қаҳрамон Ўроқбоевич** — Ангрен ахборот технологиялари ва саноат касб-хунар коллежининг жисмоний тарбия фани ўқитувчиси

**Сафарова Холбиби Ҳотамовна** — «Маҳалла» газетасининг Навоий вилояти бўйича муҳбири

**Тожибоева Сайёра Мирзамуродовна** — Сирдарё вилояти Гулистон тумани қишлоқ хўжалиги касб-хунар коллежининг биология фани ўқитувчиси

**Тошбоева Ихлим** — «Хунарманд» уюшмаси аъзоси, каштадўз

**Турдиқулов Шавкат Сунодиқович** — Республика олимпия заҳиралари коллежи қиличбозлик бўлими катта мураббийи

**Шодиев Маҳамаджон Маҳмуджонович** — «Овози тожик» газетаси бўлим муҳаррири

**Усмонова Дилдор Усмоновна** — Тошкент кимё-технология институти қошидаги академик лицейининг кимё фани ўқитувчиси

**Усмонова Луиза Тўхтасиновна** — Жиззах тумани «Жиззахлик» қишлоқ врачлик пункти умумий амалиёт шифокори

**Файзиматов Музаффар Азамович** — Республика болалар ортопедия маркази чаноқ-сон бўғими патологияси бўлими мудири

**Ҳайдарова Зулхумор Расуловна** — Андижон вилояти Олтинкўл тумани тиббиёт бирлашмаси қишлоқ врачлик пункти мудири

**Ҳакназаров Мамараҳим Абдукаримович** — «Сайхун йигитлари» фольклор-этнографик халқ ансамбли бадий раҳбари

**Хўжаева Гулбаҳор Тошевна** — Навоий вилояти Қизилтепа тумани тиббиёт бирлашмаси неонатологи

**Худойберганава Мақсуда Ҳайдаровна** — Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи муқовалаш цехи муқоваловчиси

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Тошкент шаҳри,  
2014 йил 22 август

И.КАРИМОВ

Vatanimiz mustaqilligining 23 yilligi oldidan

# Энг улуг, энг азиз байрам — ижодкорлар низоҳида

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ватанмиз мустақиллигининг 23 йиллигига бағишланган «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда сенаторлар, депутатлар, турли вазирлик ва идоралар, ижодий ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт ва санъат намояндлари, маънавият тарғиботчилари, журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси И.Ҳалимбеков, Ёзувчилар уюшмаси раиси М.Аҳмедов, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси раиси И.Латипов, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори М.Ҳазраткулов ва бошқалар Президентимиз Ислон Каримов раҳна-

молигида ижодкорларнинг эркин ва самарали меҳнат қилиши, ўз қобилияти ва иқтидорини тўла намоён этиши учун барча имкониятлар яратилганини алоҳида таъкидлади.

Истиқлол йилларида бошқа соҳалар қатори илм-фан, маърифат, маданият ва санъат соҳаларини равнақ топтириш, халқимиз, айниқса, ёшлар маънавиятини юксалтириш, бой тарихимиз, бебаҳо меросимиз, миллий урф-одат ва анъаналаримизни қайта тиклашга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борадаги эзгу саъй-

ҳаракатларда ижодкорларни навқирон авлодни ватанпарварлик, фидойилик, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга хизмат қилувчи юксак савияли, бадиий жиҳатдан мукамал асарлар яратишга руҳлантириш, самарали меҳнат қилаётган юртодошларимиз меҳнатини эъозлаш, ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 1 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма уч йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига асосан шу кунларда мустақиллигимизнинг 23 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик жараёни қизгин тус олган.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Матбуот ва ахборот агентлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар ижодий уюшмаси, Бадиий академия, «Тасвирий ойина» уюшмаси, «Ўзбеккино» миллий агентлиги, Миллий телерадиокомпания, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди каби ташкилотлар томонидан «Энг улуг, энг азиз» республика кўрик-танловини юқори савияда ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

Қутлуг байрам арафасида ижодий беллашувнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар босқичлари бўлиб ўтди.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларда «Ягонасан, муқаддас Ватанмиз, севги ва садоқатим сенга бахшида, гўзал Ўзбекистоним!» деган эзгу ғоя ўз ифодасини топган. Танловнинг республика босқичига адабиёт, босма ва электрон оммавий ахборот воситалари, тасвирий санъат, фотография, дизайн, кино йўналишлари бўйича тўрт юзга яқин ижодкордан қарийб беш мингта иш тушди. Тақдим этилган асарларда истиқлолнинг маъномаси, халқимиз танлаб олган тараққиёт йўлининг ҳар томонлама тўғри ва ҳаётий экани, ривожланган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида эришилган ютуқ ва марраларнинг мазмун-моҳиятини халқимиз, айниқса, ёш ав-

лодга ҳаётий, таъсирчан, содда ва айна дамда самимий, ўзига хос ижодий ёндашув асосида очиб берилганига эътибор қаратилди.

— Истиқлол ижод аҳлига эркин ва самарали фаолият кўрсатиш, ўз салоҳиятини тўла намоён этиш имконини берди, — дейди танлов ғолиби, кино режиссёр Аюб Шаҳобиддинов. — Бугун мустақиллик йилларида эришилган улкан ютуқ ва марралар Ватанмиз тараққиёти, жамият ҳаёти билан бирга юртодошларимизнинг тақдирини, онгу тафаккури, кайфияти ва руҳидаги ижобий ўзгаришларда ўз ифодасини топмоқда. Буларнинг барчасини тараннум этиш бизга катта масъулият юклайди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ижод аҳлига кўрсатилаётган чексиз эътибор ва ғамхўрлик учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Танлов якунида турли йўналишлар бўйича ғолиб ва совриндорларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Назокат УСМОНОВА,**  
**ЎЗА мухбири**

## «Kamolot» loyihalari

# Ташаббуслар қанот ёймоқда

16 — 21 август кунлари Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Камолот» ёшлар оромгоҳида «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари етакчилари республика форуми бўлиб ўтди.

«Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида иккинчи бор ўтказилган ушбу форум етакчилар ўртасида ўзаро фикр-мулоҳаза ва тажриба алмашиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, уларнинг етакчилик қобилиятларини ривожлантириш, бошланғич ташкилотлар фаолият самарадорлигини ошириш, истиқболдаги ишларни белгилаб олишга қаратилди. Форумда Ҳаракатнинг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилот етакчиларининг маҳаллий ва ҳудудий ўқув-семинарлари ҳамда «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг қуйи босқичларидан муваффақиятли ўтган 130 нафар энг намунали бошланғич ташкилот етакчиси қатнашди.

Дастлаб, форум иштирокчилари олти гуруҳга бўлинди. Уларга малакали тренерлар томонидан «Замонавий етакчи қиёфаси ва имижини яратиш», «Етакчида бошқарув қобилиятини шакллантириш», «Нотиклик санъатини ўрганиш», «Ёшлар билан

ишлашда педтехнологиялардан фойдаланиш», «Ёшлар билан ишлашда психологик технологиялардан фойдаланиш» ва «Лойиҳа ишлаб чиқиш» мавзуларида семинар-тренинглар ташкил этилди. Семинарлар давомида иштирокчилар бошланғич ташкилотларнинг намунавий иш режаси ва тизимда амалга ошириладиган лойиҳаларнинг ҳужжатлар тўпламини тайёрлади.

Президентимиз Ислон Каримовнинг 2014 йил 6 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, жорий йилнинг май-июль ойларида Ҳаракатнинг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилот етакчиларининг маҳаллий ва ҳудудий ўқув-семинарлари ҳамда «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танловининг қуйи босқичлари ўтказилди. Унда 9240 нафар бошланғич ташкилот етакчиси иштирок этди.

Ўтган йиллар давомида Ҳаракатнинг асосий таянч нуқтаси бўлган бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. 2012 йил «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотларининг янги Низоми ва ташкилий тузилмаси тасдиқланди. Унга мувофиқ, Ҳаракатнинг умумий ўрта таълим мактабларидаги бошланғич ташкилотлари фаолият самарадорлиги ҳамда етакчи ва сардорларнинг таълим муассасасидаги мавқеини янада ошириш, энг намунали бошланғич ташкилотлар ва уларнинг етакчиларини рағбатлантиришга қаратилган аниқ механизм яратилди. Бугун мактабларда Ҳаракатнинг 9642та бошланғич ташкилоти тузилган.

— Форумда республикамизнинг илғор, ташаббускор етакчилари ягона мақсад йўлида бирлашди, — дейди «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгашининг бошланғич ташкилотлар билан ишлаш бўлими мудир Ақтам Рўзимуродов. — Улар бу ерда малакали мураббий ва экспертлар ёрдамида ҳақиқий етакчилик қобилиятларини шакллантирмоқда. Ушбу форум мактаблардаги бошланғич ташкилотларнинг келгуси иш фаолиятини янада самарали ташкил этишга хизмат қилади.

Форум давомида ташкил этилган «Заковат» интеллектуал ўйини, футбол, волейбол, стол тенниси ва шахмат мусобақалари етакчиларнинг турли истеъдод қирраларини кўрсатиб берди.

— Вилоятимизда ўтказилган «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловида биринчи ўринни эгаллаб, ушбу форумда иштирок этган, — дейди Шаҳрихон туманидаги 61-мактабнинг «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Зулфия Жалолова. — Биз, форум иштирокчилари учун «Камолот» ёшлар оромгоҳида барча шароитлар муҳайё. Бу ерда ранг-баранг фикрлар, қарашлар, ташаббусларга гувоҳ бўлдим. Илғор етакчилар тажрибаларини ўргандим. Бундай форумлар Ҳаракат иш фаолиятини янада фаоллаштиради, деб ўйлайман.

Форум доирасида «Энг намунали бошланғич ташкилот» танловининг республика босқичи ҳам бўлиб ўтди. Унда иштирокчилар Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Фуқаролик жамияти шакллантириш мониторинг қилиш мустақил институти, «Камолот» ЁИХ Марказий Кенгаши ходимларидан иборат экспертлардан таркиб топган ҳайъат олдида ўзларининг йиллик фаолиятлари тўғрисидаги тақдимотлари

билан иштирок этди. Экспертлар тақдимотларни баҳолашда таълим муассасаларида бошланғич ташкилотларга яратиб берилган шароитлар, ёшлар билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда етакчининг шахсий ташаббускорлиги, билим ва кўникмаси ҳамда етакчилик қобилиятига алоҳида эътибор қаратди. Танлов якунида 130 нафар етакчи орасидан энг намунали деб топилган ўн нафар бошланғич ташкилот етакчиси аниқлашиб, рағбатлантирилди. Биринчи ўринни Бекобод шаҳридаги 3-мактабнинг «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилоти етакчиси Жамила Эшматова, иккинчи ўринни Учкўприк туманидаги 1-ихтисослаштирилган давлат умумтаълим мактаб-интернати бошланғич ташкилоти етакчиси Зумрад Нажмидинова, учинчи ўринни Ҳамза туманидаги 166-мактабнинг бошланғич ташкилоти етакчиси Анатолий Кечин эгаллади. Ғолибларга диплом билан бирга ҳар бирига «Roison» телевизорлари топширилди.

Форум якунида иштирокчилар пойтахтимиздаги Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гул қўйиб, «Бунёдкор» стадионига саёҳат қилди.

**Рустам ЮСУПОВ,**  
**«Turkiston» мухбири**

## San'at va yoshlar

## Teatr — iбрат даргоҳи

Театр — маънавий тарбия маскани. У миллатнинг ҳаётини акс эттириб, ютуқларига таҳсин ўқийди. Камчилик ва иллатларидан кулади, ўрни келса, йиғлатади ҳам. «Ҳеч кимни ва ҳеч нарсани аямасдан тўғри сўйлагувчи ва очиқ ҳақиқатни билдиргувчи ибратхонадур». Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ёшларни мустақам эътиқод, юксак маънавият, соғлом ва мустақил тафаккур соҳиблари этиб тарбиялаш, улар қалби ва онгини миллий ҳаёт тарзимизга зид ғоялар таъсиридан сақлашда театр санъатининг аҳамияти ғоят катта.

Бугун замонамиз қаҳрамонлари қиёфасини ёрқин акс эттирадиган, қалб кечинмаларини чуқур очиб берадиган сахна асарлари яратиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Қадриятларимизни эъзозлаш, жамиятимизда юксак маънавий муҳитни қарор топтириш, «оммавий маданият»нинг зарарли таъсирларига қарши туришда театр ижодкорларининг масъулияти айниқса катта.

Пойтахтимиздаги миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги томонидан «Миллий театримизнинг халқимиз бой маданий мероси, анъаналарини асраб-авайлаш, ёш авлодни миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳи-

да камол топтириш борасида тутган ўрни» мавзуда матбуот анжумани ташкил этилди.

Унда мамлакатимизда миллий профессионал театр санъатини янада ривожлантириш, Ватанимизнинг бой тарихи, аждодларимизнинг ўлмас мероси, мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларимизни, бугунги замонавий қаҳрамонлар сиймосини акс эттирувчи бадиий баркамол асарлар яратиш борасида амалга ошириладиган ишлар тўғрисида фикр юритилди. Конференцияда, шунингдек, маданият ва маърифат ўчоқлари ҳисобланган театрларимизнинг моддий техник базасини ривожлантириш, ижодкорларнинг эркин ва самарали меҳнат қилиши учун зарур шаро-

итлар яратиш, томошабинларга бадиий жиҳатдан пухта санъат асарларини тақдим этиш масаласига доимий эътибор қаратиладигани таъкидланди.

Тадбирда Республикамиз театрлари 2014 йилнинг олти ойи давомида 4955та спектакл намойиш этиб, бир миллион икки юз мингдан зиёд томошабин жалб этилгани ана шу саъй-ҳаракатлар самараси экани алоҳида айтиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 22 январдаги «Ўзбек Миллий академик драма театрининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида»ги қарори театрнинг нафақат мамлакатимиз, балки Марказий Осиё минтақасида профессионал театр санъатини ривожлантириш, халқимиз бой маданий меросини асраб-авайлаш, юртдошларимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида камол топтириш, ёш истеъодларни тарбиялаш борасидаги улкан хизматларига берилган муносиб баҳо бўлди.

Анжуманда мазкур қарор ижроси юзасидан амалга ошириладиган кенг кўламдаги ишлар, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар-

да қатор ижодий учрашувлар ўтказиладиганлиги, шунингдек, юбилей арафасида «Ўзбекистон театр санъати: тарих, тараққиёт ва истиқбол» мавзuida республика илмий-амалий конференцияси ўтказилиши, уч тилда тайёрланган «Ўзбек Миллий академик драма театри» китоб-альбомининг кенг оммага ҳавола этилиши каби режалар таъкидлаб ўтилди. Театр дарғаларининг ҳаёти, ижоди, ишқ-муҳаббат, одамийлик каби фазилатлар ифода этилган, замон ва инсон муаммолари ҳақида баҳс юритадиган ҳали-ҳануз томошабинлар хотирасидан ўчмай келаётган сахна асарлари лавҳалари акс эттирилган экспонатлардан иборат музей ташкил этиладигани, ўзига хос янгилик бўлди.

Театр — халқимизнинг бой маънавий дунёси, маданий мероси, миллий ва умумбашарий туйғуларимизга эҳтиром туйғуларини мадҳ этувчи, истиқлолни улугловчи ёрқин сахна асарлари учун мўъжаз бир макон. Уни асраб-авайлаш, шу даргоҳ ва унинг ижодкорларига ҳурмат билдириш эса ҳар биримизнинг бурчимиздир.

**Парвина ОМОНОВА,**  
«Turkiston» мухбири

## СЎЗ — ТЕНГДОШЛАРИМИЗГА



**Замиражон САНОКУЛОВА,**  
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи, халқаро тоифадаги спорт устаси:

— Тинч юртга байрамлар ярашади. Шукрки, мамлакатимизда тинчлик барқарор. Шу сабаб биз, ёшлар олдимишга юксак марралар қўйиб, ҳар ишда фаол бўлишга ҳаракат қиляпмиз. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати турли соҳаларда ютуқларга эришган тенгдошларимизга «Истиқлол фарзандлари» лойиҳасини тўхфа этди. Бу ўзига хос ёшлик байрамидир. Биз учун кизиқарли учрашув ва суҳбатлар, саёҳат ва маданий тадбирлар уюштирилди. Ёшлар фестивалининг охириги нуқтаси — «Эл-юрт хурмати» ордени ва «Ўзбекистон ифтихори» фахрий унвони соҳиби, ФИФА рефериси Равшан Эрматов билан суҳбатни мен бир умрга эслаб қоламан. Ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган бу инсоннинг спортдаги фаолияти, бутун дунё тан олган футбол ҳаками даражасига етгунча қилган машаққатли меҳнати олдида доимо таъзим қиламан.

Профессионал спорт кишидан қанчалик метин ирода, куч ва матонат талаб қилишини яхши биламан. Чунки ўзим ҳам спортчиман, бадиий гимнастика бўйича миллий терма жамоа аъзосиман. Юртимизда болалар спорти, шу жумладан, қизлар спортига қаратиладиган эътибор натижасида, ўтган йили халқаро тоифадаги спорт устаси даражасини олдим. Шу пайтгача қандай ютуққа эришган бўлсам, барчасини мустақиллигимиз шарофати, деб биламан.

Ўзбекистон ёшлари — бахтиёр авлод. Ишонч билан айтаманки, келажакда ҳам ҳар биримиз янгидан-янги ютуқларни қўлга киритиб, ҳеч кимдан кам эмаслигимизни исботлаб яшаймиз.

## СЎЗ — ТЕНГДОШЛАРИМИЗГА



**Бобур Абдурахимов,**  
«Биз соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!» лойиҳаси координатори:

— Самарқанд вилоятининг Пайариқ туманидан келганман. Президентимиз ташаббуси билан Тошкент шаҳрида ташкил этилган Турин политехника университети фаолияти билан танишишни, тўғриси, орзу қилардим. Фестиваль доирасида бизга шундай имконият яратилди. Бу ердаги шароит, замонавий ўқув ва лаборатория хоналари, спорт мажмуалари юртимизда таълим сифати қай даражада эканини сўзсиз тасдиқлаб турибди. Юртимизда ишлаб чиқариладиган автомобилларни бирма-бир кўздан кечирар эканман, тарих учун жуда қисқа фурсат — 23 йил мобайнида нечоғлик катта тараққиёт йўлини босиб ўтганимизни англадим. Ватанимга муносиб фарзанд бўлиш учун мен ҳали кўп иш қилишим кераклигини англадим.

Жорий йилда Пайариқ хизмат кўрсатиш касб-хунар коллежини тамомладим. Мени коллеждаги «Камолот» ЁИХ бошланғич ташкилотига ишга таклиф қилишди. Тенгдошларим билан ишлаб билдимки, ҳар бирининг қалбида Ватанга муҳаббат туйғуси жўш уриб турибди. Мана шундай қалби қайноқ йигит-қизлар бугун юрт қорига ярайман, деб турган бир пайтда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати уларга, албатта, таянч бўлаётгани қувонардир.

## E'tibor

## Ёшлар учун media лагер

Навоий вилоятининг Кармана туманидаги «Ишонч» оромгоҳида медиа лагер ташкил этилди. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими, «Дўстлик байроғи» газетаси ҳамкорлигида уюштирилган мазкур медиа учрашув журналистика соҳасига қизиқадиган ҳаваскор ижодкорлар, адабиёт ва сўз ихлосмандларини бир даврага жамлади. Беш кун мобайнида эллик нафардан ортиқ ёш журналистга республика оммавий ахборот воситаларининг вилоят мухбирлари ва ҳудуддаги тажрибали журналистлар томонидан ўқув машғулотлари олиб борилди.

— Семинар-тренингларида иштирокчиларга журналист шахси, унинг жамиятдаги позицияси, журналистик жанрлар, материаллар тайёрлашда ўзгача ёндашув, Шарқ ва Фарб журналистикасидаги мутаносиблик ва фарқ ҳақида кенг тушунча бериб борилди. Медиа тренинг давомида ижодкорлар турли мавзуларда телекўрсатув, радиоэшитириш, мақолалар тайёрлаш ва тўғридан-

тўғри вилоят оммавий ахборот воситалари орқали чиқиш қилиш имкониятига ҳам эгадирлар, — дейди медиа оромгоҳ етакчи тренери Дадахон Муҳаммадиев.

Уч йилдан буён ўтказилиши анъана тусига кирган ушбу тадбир юзлаб иқтидорли ёшларни кашф этди.

— Шу пайтгача ёзган мақолаларим медиа лагердаги тренингларида

сўнг аниқ йўналиши ва манзилени топди. Ўқув машғулотларда билим ва тажрибам кенгайиб, ҳар бир мавзуга ёндашувим ўзгарди. Ҳозир газета ва журналларда мақолаларимни кўриб қувонаман. Шу боис, тренинг мен учун ҳақиқий илҳом манбаи ва соҳага кириб бориш учун энг яхши имкониятдир, — дейди Диёра Нуримова.

Ёшлиқда кашф этилган

истеъдод ўқиш-изланиш билан сайқаланса, рағбатлантирилса, унинг соҳиби, албатта, камолот чўққисига чиқади. Мамлакатимизда ёшларга оид давлат сийосатини юритишда амалга ошириладиган ислохотлар негизда ана шу тамойил устувор. Бугун бу йўналишдаги ишлар ўз мевасини бераётир.

**Дилдора КАТТАЕВА,**  
Навоий вилояти



## Yurtning obod manzillari

## Чирой очаётган қишлоқлар

Мамлакатимизда истиқлол йилларида олиб борилган одилона сиёсат ва барча соҳаларга қаратилаётган эътибор туфайли асрга татигулик ишлар амалга оширилди, юртимиз ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалди. Биргина Сурхондарёда амалга оширилган кенг кўламли ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишлари натижасида шаҳару қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, вилоятнинг кўркига кўрк қўшадиган замонавий архитектура аънаналарини ўзида мужассам этган муҳташам иншоотлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, тураржой бинолари, кенг, равон кўчалар бунёд этилди. Термиз давлат университети, «Сурхон» спорт мажмуаси, «Ёшлар маркази», «Бахт уйи» ва бошқа бир қатор иншоотлар шулар жумласидан.



УзА суратлари

## УШЛАЁТГАН ОРЗУЛАР

Фахр билан айтиш кераки, кейинги пайтда вилоятдаги нафақат шаҳар ёки туман марказлари, балки қишлоқлар ҳам тобора обод бўлмоқда. Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан намунавий лойиҳалар асосида шаҳардагидан кам бўлмаган шароитларга эга замонавий уй-жой массивлари барпо этилаётгани ҳамюртларимиз турмушини янада фаровон қилишга қаратилган ишларнинг амалий ифодаси дейиш мумкин.

Жарқўрғон туманидаги «Қораянтоқ» маҳалласи бир замонлар қумлик билан қопланган, ичимлик суви танқис ҳудуд эди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 3 августдаги «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгай-

тиришга оид қўшимча чоратадбирлар тўғрисида»ги қарорига асосан, маҳаллада намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жойлар қурилиши бошланган. 2012-2013 йилларда 110та тураржой биноси қурилган бўлса, жорий йилда шундай уйлардан 70тасини қуриш режалаштирилган. Қурилиш ишларини «Бойназар тадбиркор», «Олим қурилиш-транс», «Жарқўрғон қурилиш конструкциялари» хусусий корхоналари амалга оширмоқда.

— Барча қулайликларга эга янги уйга кўчиб ўтганимиздан хурсандман, — дейди жарқўрғонлик Шаҳноза Бобоназарова. — Бир пайтлар чўлу биёбон бўлган «Қораянтоқ» бугун гўзал манзилга айланди. Шу билан бирга бу ерда ҳозирги талабларга мос

инфратузилма шакланмоқда. Асосийси, маҳалламиз аҳли тоза ичимлик суви билан таъминланди. Энди шароитларимиз шаҳарниқидан қолишмайди. Бунинг учун давлатимиз раҳбарига ва қурувчиларимизга миннатдорлик билдираман.

## КЎЛДОВЛИДА «КАМОЛОТ» ШАҲАРЧАСИ

Президентимизнинг шу йил 6 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган дастурга кўра, республикамизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Сурхондарё вилоятида ҳам «Камолот» уйларининг қурилиши жадаллик билан олиб борилмоқда. Ҳозирда Ҳара-

катнинг вилоят кенгаши тураржойларга талабгор ёш оилалар рўйхатини шакллантирмоқда.

Дастурга мувофиқ, Жарқўрғон туманидаги «Кўлдовли» маҳалласида «Камолот» шаҳарчасини бунёд этиш режалаштирилган. Айни кунда шаҳарчада 64 хонадонга мўлжалланган тўрт қаватли тураржой биноси қад ростляпти. «Жарқўрғон қурилиш конструкциялари» МЧЖ қурувчилари янги объектни 2015 йилнинг иккинчи ярмида фойдаланишга топширишни кўзда тутган.

— Ободлик кўнгилдан бошланади. Эзгуликка дахлдорлик ҳисси, бунёдкорлик иштиёқи воҳадоларимиз сингари биз, қурувчилар кўнгилдан чуқур жой олган. Барчамиз шу юрт равнақи учун бор кучимизни ишга солганмиз,

— дейди «Жарқўрғон қурилиш конструкциялари» МЧЖ иш юритувчиси Тангир Кўчкинов.

Сурхон воҳасида 2009 — 2013 йилларда намунавий лойиҳалар асосида 2885та уй-жой қурилган бўлса, шу йил якунига қадар яна 887та янги тураржой биноси фойдаланишга топширилади.

Ҳа, жонажон Ватанимиз кун сайин чирой очиб бормоқда. Шаҳар ва қишлоқларда қад ростлаётган бир-биридан кўркам иншоотлар вилоятнинг хуснига-хусн қўшаётгани рост. Муҳими, бу каби янги-янгилар ва ўзгаришлар юртдошларимиз кўнгилга хуш кайфият бахш этиб, эртанги кунга бўлган ишончини мустақамламоқда.

Наргиза  
РАҲМАТУЛЛАЕВА,  
«Turkiston» мухбири

## Vatan himoyasi — muqaddas burch

## Яқдиллик намоёиши

Истиқлол йилларида нафақат турмушимиз, балки дунёқарашимиз, фикрлаш тарзимизда ҳам муҳим ўзгаришлар рўй берди. Юртдошларимизнинг биргина ҳарбий хизматга муносабатини олайлик. Бугун ўзбекистонлик ҳар бир йигит Ватан олдидаги бурчини адо этишни улкан шараф деб билади.

Чунки фарзандини ҳарбий хизматга юборган ота-она аввалгидек минг ўй-хавотирда яшамайди. Инсон ва унинг манфаатлари олий қадрият ҳисобланган юртда хизмат бурчини ўтаётган жигаргўшасини шукроналик билан дуо қилади...

Бу армия билан халқ ўртасидаги яқинлик, яқдиллик, ҳамжиҳатликдан эмасми?

Пойтахтимиздаги Куролли Кучлар давлат музейида мустақиллигимизнинг 23 йиллигига

бағишлаб ўтказилган учрашув ҳам ана шу яқдиллик, бир-бирига бўлган юксак ишонч ва ҳамжиҳатлик ифодаси бўлди. Тадбирда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарлар ҳамда сержант ва офицерлар Ўзбекистон халқ артисти Саидкомил Умаров, «Сардор» филъмининг режиссёри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, «Шухрат» медали соҳиби Шавкат Маҳмудов ҳамда Мансурхон Усмонов, Рухшона каби ёш санъаткорлар билан

учрашиб, дилдан суҳбатлашди.

Учрашувда халқимизнинг севимли санъаткорлари ҳарбий хизматчиларни яқинлашайтган улғ айём билан муборакбод этиб, истиқлол, унинг халқимиз ҳаётида тутган ўрни, мамлакат тараққиёти йўлида олиб борилаётган ислохотларни ўз ҳаёти, ижоди ва меҳнат фаолияти миқсолида сўзлаб берди.

Самимий руҳда кечган учрашувда кайфияти, хизматдаги шароитлари ҳақида қизиқиб, бир аскарга мурожаат қилдик.

— Андижон давлат университети қошидаги учинчи академик лицейни тамомлаб, муддатли ҳарбий хизматга келганман, — дейди ўзини оддий аскар Шоҳаббос Бекмирзаев, дея таништирган йигит. — Кайфи-



ятлар аъло даражада. Ҳарбий қисмимиздаги шароитлар ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Ўйлаганимдан ҳам яхши. Ёшлар орасида муддатли ҳарбий хизматга боришни истаётганлар жуда кўп. Албатта, ким жисмонан соғлом, маънан етук, билимли бўлсагина, ҳарбий хизматга боради. Мен ҳам синовлардан муваффақиятли ўтиб, йигитлик бурчимни адо этаяпман. Бўш вақтимизда кутубхонадаги

китоблардан фойдаланиб, ўқишга тайёргарлик кўряпмиз. Ватан олдидаги йигитлик бурчимни аъло даражада ўтаб, Тошкент давлат шарқшунослик институтига ўқишга кирмоқчиман. Ҳарбий қисмда спорт мусобақаларидан ташқари, шеърхонлик, китобхонлик кечалари, санъат танловлари ҳам ўтказиб борилади. Яқинда ўтказилган рассомлик танловида «Мустақил Ўзбекистон» номли композициям

билан қатнашиб, биринчи ўринни эгалладим.

Тадбирда ёш истеъдодли санъаткорлар ҳамда Куролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари ижросидаги Ватанни мадҳ этувчи куй-қўшиқлар иштирокчиларга байрам қувончини улашди.

Тадбир иштирокчиларнинг музейга саёҳати билан давом этди.

Рустам ЮСУПОВ,  
«Turkiston» мухбири

Vatanimiz mustaqilligining 23 yilligi oldidan

# Ватанни севиш бахти

Президентимиз Ислон Каримовнинг «Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлишлари шарт!» деган эзгу гоёси ҳаётимизда ўз ижобатини топмоқда. Бугун мамлакатимизнинг қудрати, жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори юртимизда униб-ўсаётган жисмонан соғлом, маънан етук баркамол авлоднинг интилишларида яққол намоён бўлаётир.

Яқинда ўзим туғилиб ўсган Ургут туманида бўлдим.

Атрофи пурвиқор тоғлар билан ўралган қишлоғимизнинг мафтункор табиати кишига завқ бағишлайди. Айниқса, истиқлол йилларида қишлоқларда бўлаётган ўзгаришлардан одамнинг ҳайрати ошади. Боиси, бир келганингизда замонавий коллеж қад ростлаган бўлса, кейинги гал қишлоқ врачлик пункти, ҳашаматли мактаб ёки замонавий дўконлар савлат тўкиб турган бўлади. Қишлоқ ёшларидаги қатъият ва шижоат, эртанги кунга бўлган ишонч кўриб, қувонасиз. Уларнинг бири спорт тўғрагига, бири компьютер сабоғига, яна бири кутубхонага шошаётган бўлади.

Қишлоғимдаги бир қаватли кўримсиз мактаб ўрнида икки қаватли замонавий илм маскани куриб, фойдаланишга топширилибди. Ушбу мактабда болаларнинг замонавий таълим-тарбия олиши, билимли, баркамол бўлиб улғайиши учун барча шароитлар яратилган.

— Собик шўро даврида аскарят мактаблар ҳашар йўли билан курилар, оддий пахса деворли мактабда на синфхоналар, на фан кабинетлари ҳисобга олинарди, — дейди педагог Хайрулла Абдуллаев. — Хоналарни иситиш катта муаммо эди. Совуқдан қалтириб ўтирган болаларга раҳимиз келганидан уйига жўнаиб юборган пайтларимиз кўп бўлган. Иссиқ кунда бундан ҳам баттар эди. Бош-

ланғич синфларга дарс берганим боис, ҳавонинг иссиқлигидан баъзи болалар беҳол бўлиб қолгани ҳали ҳам кўз ўнгимдан кетмайди. Шукрки, у замонлар ўтмишда қолди. Бугун энг чекка қишлоқларда ҳам шарҳдагидан қолишмайдиган кўркем мактаблар бунёд этилмоқда. Буларнинг барчаси мустақиллик меваси, Юртбошимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг баркамол бўлиб вояга етишига қаратилаётган улкан эътибор самарасидир.

Дарҳақиқат, фарзандлар камолини кўзлаб, эзгу ниятлар билан яшаш халқимизга хос улғу фазилат. Авлоддан-авлодга ўтиб, сайқал топиб келаётган бу азалий қадрият мустақиллик йилларида янада бойиб, ҳеч кимдан кам бўлмаган баркамол авлодни тарбиялашда алоҳида аҳамият касб этаётир.

Бугун нуфузли халқаро мусобақаларда иштирок этаётган ёшларимиз сафи тобора кенгайиб, улар қўлга киритаётган совринлар кўпайиб бормоқда. Бир пайтлар спортчиларимиз фақат орзу қилган Олимпиада мусобақалари, жаҳон ва қитъа чемпионатларида бугун ёш спортчиларимиз совринли ўринларни қўлга киритиши одатий ҳолга айланган.

Бу ғалабалар мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор маҳсулидир. Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқичли спорт тизими — «Умид

ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада мусобақалари фарзандларимизни соғлом тарбиялаш баробарида профессионал спортчиларни тайёрлашда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида таъкидлаш зарур. Мазкур узлуксиз спорт ўйинлари бошқа давлатларда ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида жисмонан ва маънан соғлом авлодни улғайтириш йўлида улкан ишлар амалга оширилди ва улар изчил давом эттирилмоқда. Умумтаълим мактаблари, касб-хуна колледжлари ва академик лицейлар, олий ўқув юрларида давлат таълим стандартлари асосида ўқитилмоқда. Ёшларимиз бир неча хорижий тилни билиши одатий ҳолга айланган.

Одам ўзлигини англагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагидан Ватанга муҳаббат туйғуси ортиб бораверади. Бу илдиз қанчалик теран бўлса, жонажон Ватанинга нисбатан муҳаббат шунчалик юксак бўлади. Бизнинг бахтимиз шундаки, озод ва обод Ватанда яшаймиз. Мустақилликка, бугунги тинч ва фаровон ҳаётга осонликча эришилмаганини янада теранроқ англаяпмиз. Шунинг ўзи она Ватанни севишга, кадрлашга даъват этади ва бу энг катта бахтидир.

**Лутфулла СУВОНОВ,  
ЎЗА мухбири**

«Bunyodkor — 2014»



## Талаба таътилда ҳам фаол

Бу йил самарқандлик 2200 нафар тенгдошимиз «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатига аъзо бўлиб, вилоятда амалга оширилган қурилиш-ободонлаштириш ишларида фаоллик кўрсатди. Сайёҳлик фирмалари, меҳмонхона, корхоналарда ишлаб ҳам меҳнатда тобланди, ҳам моддий даромад қилди.

Меҳнат ҳаракатига аъзо бўлаётган ёшлар сафи йилдан-йилга кенгайиб борапти. Масалан, 2010 йил «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракатига етти юз нафарга яқин ёш жалб этилган эди. Бу йил улар сони қарийб уч баравар ошгани тенгдошларимизнинг вақтни меҳнат билан мазмунли ўтказишга, ўзига ҳам, оиласига ҳам моддий манфаат келтиришга бўлган иштиёқлари ортиб бораётганини кўрсатди.

Мингга яқин талаба ўттиз гуруҳга бўлиниб, туманларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойлар қурилиши ҳамда Самарқанд шаҳридаги йирик заводларда ишляпти. Масалан, Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институтининг элик нафар талабаси Пастдарғом, Пайарик, Окдарё, Самарқанд, Тайлоқ туманларида уй-жой қураётган ташкилотлар билан шартнома тузиб, уста-қурувчиларга кўмаклашмоқда.

— Ўзингга маъқул иш билан шуғуллансанг, чарчоқ ҳам билинмайди, — дейди Самарқанд давлат архитектура ва қурилиш институти

талабаси Талъат Бердиев. — Ўқув йили давомида аудиторияларда ўтириб, сабоқ олиш муҳим, лекин яхши шароитларда меҳнат қилиш, иш ўрганишининг ҳам гашти бошқача. Айниқса, ўзининг дўстларинг, кўнгилга яқин одамлар билан ишлаганда роҳатланасан. «Бунёдкор» сафида мен мана шундай завқ билан ишлайдим.

«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Самарқанд вилояти кенгаши ходими Валижон Бобомуродовнинг айтишича, меҳнат ҳаракати сафларига қишлоқ ва маҳаллар фуқаролар йиғинларидан вақтинчалик ишсиз ёшлар ҳам жалб қилинган.

— Шу кунга қадар вилоят бўйича 1854 нафар уюлмаган ёшдан аризалар қабул қилинди, — дейди В.Бобомуродов. — Уларнинг 1200 нафарга яқини 79та меҳнат гуруҳга бўлиниб, қурилиш объектига, ободонлаштириш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳалари ҳамда қишлоқ хўжалигида меҳнат қилапти.

**Жасур РАҲМОНОВ,  
«Turkiston» мухбири**

# Мардларга муносиб муассасалар

Миллий матбуот марказида Мудофаа вазирлиги Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари масалаларига бағишланган матбуот анжумани ўтказди.

Анжуманда истиқлол йилларида офицер кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизими яратилиб, миллий армиямиз сафларини бугунги куннинг замонавий талабларига жавоб берадиган, пухта тайёргарликка эга, интеллектуал жиҳатдан етук, стратегик фикрлайдиган мутахассислар билан янада бойитиш учун кенг имкониятлар яратилаётгани таъкидланди. Шунингдек, мутахассислар олий ҳарбий таълим муассасаларининг миллий кадрларни тайёрлашдаги ўрни, соҳада олиб борилаётган

ишлар, вазирлик таркибидаги ҳарбий олийгоҳларга кирувчи абитуриентларга қўйиладиган талаб ва мезонлар, ундаги янгиликлар тўғрисида атрафлича ахборот берди.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги қарори асосида тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги Низом интеллектуал ва жисмонан пухта тайёрланган ёшларни танлашда муҳим асос бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди Мудофаа вазирлиги

Ҳарбий кадрлар тайёрлаш бошқармаси масъул офицери, подполковник Козимбек Ҳайдаров. — Унга кўра, дастлабки босқичда шахсий қизиқиш ва қобилиятига мувофиқ, турли мутахассислик бўйича ҳарбий кадрларга бўлган эҳтиёжни ҳисобга олган ҳолда ёшлар шу касбга йўналтирилади. Якуний қарорга келган фуқаро ёки ҳарбий хизматчининг жисмоний тайёргарлиги ва соғлиғи ҳақидаги маълумотни тўплаб, унинг олдинги таълим муассасасидаги ўзлаштириш даражаси, индивидуал-психологик хусусиятлари ўрганилади. Ҳарбий-профессионал танлашда эса яқка тартибдаги якуний суҳбат орқали узил-кесил кўриб чиқиш учун номзоднинг умумий тайёргарлигига эътибор қаратилади. Якунда ҳарбий олий таълим муассасаси йўналишларининг ўзига хослигига қараб

Давлат тест маркази томонидан тест синовлари ўтказилади. Юртимиздаги мавжуд ҳарбий йўналишдаги академик лицей битирувчиларига тест синовларида тўплаш мумкин бўлган энг юқори баллнинг ўн фоизи, республикамиз Қуролли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга эса 27 фоиз миқдоридан кўшимча балл шаклидаги имтиёз берилади. Ҳар йили 10 июлда бўлиб ўтадиган тест синовлари мажмуасидаги математика фанига доир саволлар қаторига информатикага доир саволлар қўшилгани ўзига хос янгилик бўлди.

Анжуман сўнгида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

**Дилшод РЎЗИҚУЛОВ**

## Hunari borning xazinasi bor

## Бежирим либослар ижодкори

Ўзбек миллий матолари ва улардан тикилган либослар азал-азалдан бежиримлиги, нафислиги билан машхур бўлган. Камалак рангида товланувчи атласу адрас, шохию бахмални ҳақиқий санъат асарига тенглаштириш мумкин. Матонинг ўзи шундай жозибадор экан, ундан тикилган либос, албатта, ҳар қандай таъриф тавсифга муносиб бўлади.

Тошкентлик Манзурахон Азаматова ана шундай миллий матолардан гўзал либослар тикади.

— Асрлар оша такомиллашиб, сайқал топган миллий матоларимиз ҳеч қачон урфдан қолмайди, — дейди Манзурахон. — Мен улардан либос яратаётганимда миллийлик билан замонавийликни уйғунлаштиришга ҳаракат қиламан.

Чевар қиз тиккан либослари билан турли кўргазма ва танловларда ҳам фаол қатнашиб келади.

**Рустам НАЗАРМАТОВ**  
фотолавҳаси



## Ayyom tuhfası

Мустақиллигимизнинг 23 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мамлакатимизнинг барча ҳудудларида қизгин тайёргарлик кўрилмоқда. Жумладан, Бухоро шаҳрида ҳам қутлуғ айём нафасини сезиш мумкин. Бу ерда байрамга ажойиб совға ҳам тайёрланмоқда: дунёнинг энг гўзал шаҳарларида бўлгани каби Бухорода ҳам мусиқали фавворалар хиёбони бунёд этилмоқда.

## Бухорода мусиқали фаввора бунёд этилмоқда

— Қачон пойтахтга борсак, мана шундай фаввораларни кўриб, ҳавас қилардик, — дейди Бухоро шаҳрида яшовчи Шарифа Бобомуродова. — Мана энди шаҳримизда ҳам мусиқали фавворалар хиёбони қурилаяпти. Ҳар куни ишга бориб-қайтаётганда хиёбон қурилиши ёнидан хурсанд бўлиб ўтаман.

Шу кунларда хиёбонда охириги ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, Бельгиядан келтириб ўтқазилган юз туп кўчат шаҳар иқлимга мослаштирилмоқда. Фавворалар атрофида бунёд этилиб, шарқона нақшлар билан безатилган олти айвонга ўрнатилган ўриндиқлар дам олувчилар хизматида шай ҳолга келтирилди.

Бунёдкорлик ишларида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Бухоро вилояти кенгаши қошида ташкил этилган «Бунёдкор» ёшлар меҳнат ҳаракати аъзолари ҳам қатнашмоқда.

**Лайло ҲАЙИТОВА,**  
«Turkiston» муҳбири

## Mutaxassis o'goh etadi

## Ҳамиша эътиборли бўлинг

Кичкина эътиборсизлик гоҳида катта қўнғилсизликларга сабаб бўлади. Бунга фаолиятимиз давомида кўп бор гувоҳ бўлганмиз. Текширишлар натижасида деярли барча ёнгинларнинг келиб чиқишига фуқароларнинг ўзлари сабабчи экани маълум бўлмоқда.

Шуларни назарда тутган ҳолда, сиз, азиз юртдошларимизга яна бир бор қуйидагиларни эслатиб ўтишни бурчимиз деб биламиз.

Уйингиздаги электр ускуналар хавфсизлигини мунтазам текши-

риб туринг. Носозликларни ўзингизча бартараф қилишга уринманг ва мутахассисни чақиринг. Уларни ҳеч қачон қаровсиз қолдирманг.

Тез ёнувчан материалларни иситиш мосламаларига яқин

жойда сақлаш ёнгин келтириб чиқариши мумкин. Янги қурилатган ҳамда қайта таъмирланган биноларда газ ва электр пайвандлаш жараёнидаги масъулиятсизлик, ўчмаган сигарет қолдиқларини ташлаш каби оддий кўринган ишлар оқибати хунук бўлишини унутманг.

**Баҳром СОДИҚОВ,**  
Мирзо Улуғбек туман ИИБ  
ЁХБ инспектори

Газета тиражи	Тахта силлиқлаш асбоби	Кема қисми		Гул шираси				Очилмаган чанок, кўсак	
			Икс...	Дам олиш ва даво-ланиш маскани	Гавда қисми, кифт	Тропик қовун	Мева тури	Қолган ... қор ёғар	Ўғил бола исми
Амазон-ка, Нил		Рақам				...-уша			Ука (синоним)
				Тилла, зар			Шеър ижод-кори		
Узум нави	Мева уруғи	Уй паррандаси			Томоқ касаллиги				
				... Бульба (асар)			Салом-...		

Тузувчи: Фахриддин Раҳимов

## ЗУККО МУХЛИСГА САВОЛ:

Ўзбекистонлик бу машхур аллома «Қўшиш ва айириш ҳақида китоб», «Ҳинд ҳисоби ҳақида китоб», «Зиж», «Астурлоб билан ишлаш ҳақида китоб» сингари асарлар муаллифидир. Унинг бугунги кунгача сақланиб қолган кўплаб асарлари лотин тилига таржима қилиниб, Европа олий таълим муассасаларида ҳам кенг ўрганилади. Жумладан, «Қўшиш ва айириш ҳақида китоб»и XII асарда лотин тилига таржима қилинган, математика илми ривожига бемисл аҳамият касб этди.

Айтинг-чи, улкан илмий-маънавий мероси билан номини тарихга муҳрлаган бу ўзбек олими ким?

Жавобингизни 26 август соат 16:00га қадар 233-79-69, 233-95-97 рақамлари орқали билдиришингиз мумкин. Тўғри жавоб йўллаган мухлислар номи газетамизда эълон қилинади.

## Ўтган сондаги саволнинг жавоби:

**Георгий Тушурашвили.**  
Бухоро вилояти Шофиркон тумани Некиши қишлоғидан Аббос Тошпўлатов тўғри жавоб йўллади.

## YONDAFTARCHANGIZGA

Гарчи эришилмаган бўлса-да, юксак мақсадлар эришилган кичик мақсадларга нисбатан қадрлидир.

Ғете